

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

503 Алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш соҳасидаги ишларни ташкил этишни тартибга солиш ва назорат қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашга йўналтирилган маблағлардан янада самарали фойдаланилишини таъминлаш, шунингдек назарда тутилган ишларни бажариш сифати юзасидан назоратни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида давлат муассасаси шаклида Алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш дирекциясини (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Дирекциянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш масалалари бўйича қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича лойиҳаларнинг буюртмачиси функцияларини бажариш ва уларнинг амалга оширилиши сифатини назорат қилиш, шунингдек уларни ўз вақтида ишга тушириш;

алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

халқаро грантларни, техник кўмаклашиш маблағларини, хайрия эҳсонларини, имтиёзли кредитларни, шу жумладан хорижий имтиёзли кредитларни ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбаларни жалб этиш;

алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш объектларини лойиҳалаштиришда лойиҳалаш ташкилотлари томонидан энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологиялар жорий этилишини таъминлаш, шунингдек юқори технологик материаллар ва буюмлардан самарали фойдаланилишини назорат қилиш.

3. Белгилансинки:

Дирекция томонидан амалга ошириладиган алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш Дирекциянинг банк ҳисоб рақамларида жамланадиган халқаро грантлар, техник кўмаклашиш маблағлари, хайрия эҳсонлари, имтиёзли кредитлар, шу жумладан хорижий имтиёзли кредитлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига белгиланган тартибда молиялаштирилади;

Дирекцияни сақлаб туриш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган харажатлар сметасига мувофиқ, шунингдек халқаро грантлар, техник кўмаклашиш маблағлари, хайрия эҳсонлари, имтиёзли кредитлар, шу жумладан хорижий имтиёзли кредитлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан умумий тушумлар ҳисобига амалга оширилади.

4. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш дирекциясининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш дирекциясининг Устави 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. «Ипотека банк» АТИБга жалб этиладиган маблағларни жамлаш учун Дирекциянинг миллий ва хорижий валютадаги 29801 — «мижозлар билан ҳисоб-китоблар» банк ҳисоб рақамларини уч банк куни мобайнида очишни таъминлаш тавсия этилсин.

Белгилансинки, Дирекция давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин жалб этиладиган маблағлар белгиланган тартибда Дирекциянинг асосий ёки тегишли махсус ҳисоб рақамларига ўтказилади.

6. Тошкент шаҳри ҳокимлиги бир ҳафта муддатда:

Дирекция белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда ва Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Дирекциянинг фаолиятини

амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларга эга бўлган хона берилган ҳолда у Тошкент шаҳрида жойлаштирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда юқори малакали мутахассислар билан тўлдиришда Дирекцияга кўмаклашсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 июнь,
376-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 15 июндаги 376-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга
эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва
мукамал таъмирлаш дирекциясининг
ТУЗИЛМАСИ**



* Ишлар ҳажмига ва амалга ошириладиган лойиҳалар сонига кўра.

Изоҳ: Дирекциянинг вилоятлардаги (шаҳарлардаги) филиаллари, зарурат бўлганда, қурилиш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш даврига ходимларнинг штатда белгиланган сони доирасида ташкил этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 15 июндаги 376-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга
эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва
мукамал таъмирлаш дирекциясининг
УСТАВИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш дирекциясининг (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини, фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. Дирекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Уставга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Дирекция давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, банкда ҳисоб рақамларига, Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади.

2-боб. Дирекциянинг асосий вазифалари

4. Қуйидагилар Дирекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича лойиҳаларнинг буюртмачиси функцияларини бажариш ва уларнинг амалга

оширилиши сифатини назорат қилиш, шунингдек уларни ўз вақтида ишга тушириш;

алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш учун халқаро грантларни, техникавий кўмаклашиш маблағларини, хайрия эҳсонларини, имтиёзли кредитларни, шу жумладан хорижий имтиёзли кредитларни ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбаларни жалб этиш;

алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш объектларини лойиҳалаштиришда лойиҳалаш ташкилотлари томонидан замонавий энергия ва ресурсларни тежайдиган технологиялар жорий этилишини таъминлаш, шунингдек юқори технологик материаллар ва буюмлардан самарали фойдаланилишини назорат қилиш.

3-боб. Дирекциянинг асосий функциялари

5. Дирекция ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ белгиланган тартибда қуйидаги функцияларни бажаради:

а) прогнозлаштириш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқларига мувофиқ алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашни молиялаштиришни Дирекциянинг махсус ҳисоб рақамларида жамланадиган халқаро грантлар, техникавий кўмаклашиш маблағлари, хайрия эҳсонлари, имтиёзли кредитлар, шу жумладан хорижий имтиёзли кредитлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига ташкил этиш учун объектлар рўйхатини тузиш юзасидан таклифлар киритади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда қурилишларнинг манзилли рўйхатларини тасдиқлайди;

алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектлар жойлаштириладиган туманларда тегишли қисм (йўллар, канализация, иссиқлик, электр, газ, сув таъминоти, телефонлаштириш ва шу кабилар) юзасидан муҳандислик коммуникацияларини янада ривожлантириш масалаларини кўриб чиқишда ва қарорлар қабул қилишда қатнашади;

б) лойиҳалаштириш соҳасида:

лойиҳаларни ва танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун бошланғич рухсат берувчи ҳужжатларни тайёрлайди, лойиҳалаштириш ишларини бажаришга буюртмаларнинг танлов (тендер) асосида жойлаштирилишини ташкил этади;

лойиҳалаш ташкилотига бирламчи-рухсат берувчи ҳужжатларни ва лойиҳалаштиришга топшириқ беради;

ишларни бажаришнинг календарь жадвалини, лойиҳа ва танлов (тендер ҳужжатлари) берилишини ҳисобга олган ҳолда танлов (тендер) савдо-

лари ғолиблари билан лойиҳалаштириш ишларини бажариш юзасидан шартномалар тузади;

синов, илмий-тадқиқот, археология ишларини ва бошқа ишларни бажариш юзасидан тегишли ташкилотлар билан шартномалар тузади;

лойиҳа ва танлов (тендер) ҳужжатлари экспертизадан ўтказилишини, келишилишини, тасдиқланишини, шунингдек ваколатли экспертиза органларининг асосланган хулосалари ва пудрат ташкилотларининг мулоҳазалари бўйича тегишли ҳужжатларга тузатишлар ёки қўшимчалар киритилишини ташкил этади;

бош пудрат ва лойиҳа ташкилотлари, етказиб берувчилар, шунингдек бошқа ташкилотлар томонидан шартнома мажбуриятларига риоя этилишини тизимли асосда назорат қилади;

в) қурилиш майдонини тайёрлаш ишларини ташкил этиш соҳасида:

қурилишни амалга ошириш учун майдонни танлаш ва ажратиш бўйича комиссиялар ишида иштирок этади;

қуйидагиларга:

электр энергияси узатиш ҳаво линиялари ва алоқа линиялари зонасида, темир йўллар полосасида, қурилиш майдонида жойлашган ер ости коммуникациялари (кабель, газ қувури, канализация ва бошқалар) ўтадиган жойларда ишларни бажаришга;

шаҳарлар ва аҳоли пунктларида алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш даврида объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ мавжуд манбалардаги электр энергияси, газ, сув ва буғдан, улар бўлмаганда ўзининг газ, сув, буғ ва электр таъминоти объектларидан фойдаланишга қурилиш учун ер участкалари бериш тўғрисидаги ҳужжатларни, тегишли органлар ва фойдаланиш хизматларининг рухсатномаларини расмиёлаштиради ва пудратчиларга беради;

ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни санитария тартибида кесишга ҳамда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий бошқармалари билан келишган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рухсати бўйича бинолар, иншоотлар ва коммуникацияларни қуриш билан боғлиқ кесишларга йўл қўйилади;

маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда объект қурилиши ҳудудидаги бузилиши, кўчирилиши ёки реконструкция қилиниши керак бўлган уйларда яшовчи фуқаролар кўчирилишини таъминлайди;

маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда мева-резавор мева дарахтлари ва экинлар, шунингдек фуқароларга хусусий мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган бузиладиган турар жойлар ва иморатлар қийматини қонун ҳужжатларида белгиланган объектнинг умумий қиймати доирасида фуқароларга тўлайди;

давлат органларига, юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган бузиладиган бинолар ва иншоотларнинг қолдиқ баланс қиймати ҳисоб-китобларини текширади;

иморатлар ва иншоотларни бузишдан олинадиган қисмларга ажратиладиган материаллар ва асбоб-ускуналар сотилишини таъминлайди;

қурилиш учун геодезия жихатидан режалаш асосини яратади;

объектларни давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияларида рўйхатдан ўтказиши, шунингдек пудрат ташкилотларида фаолият турига ва ишларни бажаришга лицензиялар мавжудлигини текширади, муаллифлик ва техникавий назоратни ташкил этади ва қурилиш-монтаж ишларини бажаришга рухсатнома олади;

г) қурилишни, молиялаштиришни, ҳисоб ва ҳисоботни ташкил этиш соҳасида:

объектларни лойиҳалаштириш ва қуришга, шу жумладан «фойдаланишга тайёр ҳолда» қуришга ишларни (хизматларни) бажарувчиларни танлаш бўйича танлов (тендер) савдоларини ташкил этади ва ўтказиши;

лоийҳалаштириш ва пудрат ишлари юзасидан танлов (тендер) голиблари бўлган лойиҳа ва пудрат ташкилотлари билан шартномалар тузади;

лоийҳани бошқаришни ҳамда алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашнинг техник жихатдан кузатиб борилишини таъминлайди;

танлов (тендер) асосида белгиланган ёки аниқлаштирилган келишилган шартномавий жорий нарх асосида қурилишларнинг манзилли рўйхатларини шакллантириш ва аниқлаштириш учун таклифлар киритади;

молиялаштиришнинг келишилган жадвалларига мувофиқ лойиҳа ишларини ва объектлар қурилишини молиялаштиришнинг ўз вақтида бошланишини ва жорий молиялаштиришни таъминлайди, молиялаштирувчи банкка бунинг учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этади;

бухгалтерия, оператив ва статистика ҳисобини юритади, тасдиқланган шаклларга мувофиқ фаолият турлари бўйича ҳисоботни тузади ва тегишли органларга тақдим этади ҳамда уларнинг ишончилиги учун жавоб беради;

ишлар бажарилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги учун объект қурилишида банд бўлган пудрат, лойиҳалаш ва бошқа ташкилотларнинг тўловга тақдим этилган маълумотномаларини, счё-фактураларини текширади;

бажарилган ишлар ҳажмлари ва қиймати тўғрисидаги имзоланган маълумотномалар, счё-фактуралар асосида ишлар учун ҳақ тўлайди, шунингдек қурилиши тугалланган объектлар бўйича узил-кесил ҳисоб-китоб қилади;

пудрат, лойиҳалаш ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга улар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки зарур тарзда бажарилмаган тақдирда молиявий санкцияларни (жарима, пеняни) тўлаш тўғрисида талабномалар тақдим этади;

объектни (фойдаланишга тайёр ҳолда) қуришда ишларни бажариш ва объект қурилишини молиялаштириш жадвалларига мувофиқ пудратчига аванс беради ва уни жорий молиялаштиради;

объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашни кузатиб боради ва уларни техник жихатдан назорат қилади;

д) қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш соҳасида:

қурилиши тугалланган объектларни шахарсозлик нормалари ва қоидаларига, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ фойдаланишга қабул қилишни ташкил этади, шу жумладан:

давлат қабул қилиш комиссиясига қурилиши тугалланган объектлар бўйича зарур ҳужжатларни (пудрат ташкилотлари билан биргаликда) тақдим этади;

фойдаланишга қабул қилинган объектларни, ижро муддатларини, ишчи ва давлат қабул қилиш комиссиясининг ҳужжатларини барча зарур иловалари билан биргаликда фойдаланувчи органларга (ташкилотларга) беради.

4-боб. Қурилишни техник жиҳатдан назорат қилиш

6. Техник жиҳатдан назорат қилиш Дирекция томонидан объектни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашнинг бутун даври мобайнида амалга оширилади. Дирекция асосий вазифалар билан биргаликда техник жиҳатдан назорат қилиш доирасида:

қурилиш-монтаж ишлари, қўлланиладиган конструкциялар, буюмлар, материаллар ва етказиб бериладиган асбоб-ускуналарнинг лойиҳа ечимларига, шахарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига, стандартларга, техник шартларга ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқлигини назорат қилади;

қуришда фойдаланиладиган конструкциялар, буюмлар ва материаллар сифатини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (техник паспортлар, сертификатлар, лаборатория синовлари натижалари ва шу кабилар) мавжудлигини текширади;

қурилиш жараёнида геодезия ишлари бажарилишини назорат қилади;

қурилиш-пудрат ташкилотларининг ходимлари билан биргаликда бажарилган ишлар ҳажмлари ва сифати ҳамда кейинги ишларни бажаришда очиладиган конструктив элементларни текширувдан ўтказиши ва баҳолайди, очилган ишларни текширувдан ўтказишда далолатнома расмийлаштирилгунга қадар ишларни давом эттиришни тақиқлаш бўйича талабларни таъминлайди;

объектнинг тайёр бўлишига кўра пудрат ва ихтисослаштирилган (монтаж) ташкилотлари, шунингдек лойиҳа ташкилотлари вакиллари иштирокида бинолар ва иншоотларнинг муҳим конструкцияларини, кўприкларнинг таянчлари ва ўтказиш қурилмаларини, сиғимли иншоотларни, кўтариб турувчи металл-бетон конструкцияларни ва шу кабиларни оралиқ қабул қилиб олишларни амалга оширади;

давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциялари, давлат назоратининг бошқа органлари ва давлат қабул қилиш комиссияси билан биргаликда монтаж қилиш учун олинган асбоб-ускуналарнинг ҳолати ва лойиҳага мувофиқлигини текширади, уларни монтаж қилиш сифатини баҳолайди, комплекс синовдан ўтказилишини ва қабул қилинишини амалга оширади;

бажарилган ва тақдим этилган ҳажмлар ва сифатнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари билан тасдиқланган қурилиш-монтаж ишлари тўловига мувофиқлигини назорат қилади;

қабул қилинган ва ҳақи тўланган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмлари ва қийматининг, шунингдек пудрат ташкилоти томонидан сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмлари ва қийматининг ҳамда нуқсонларни бартараф этиш ва қайтадан бажариш харажатларининг ҳисобини юритади;

дастлабки бажариш техник ҳужжатларининг мавжудлигини ва юритилиши тўғрилигини ҳамда қурилиш-монтаж ишларини бажаришда камчиликлар ва нуқсонлар аниқланганлиги сабабли уларга ўзгартиришлар киритилишини назорат қилади;

пудрат ташкилотлари томонидан муаллифлик назоратининг ва давлат архитектура-қурилиш назоратининг кўрсатмалари ва топшириқлари, шунингдек буюртмачининг техник назорати талаблари бажарилишини назорат қилади;

ишчи комиссиялар (қабул қилиш комиссиялари) билан биргаликда қабул қилиб олишда алоҳида конструкциялар ва узеллар, қурилиш-монтаж ишлари турлари, асбоб-ускуналар ва механизмлар сифатини текширади;

ўз ваколатлари доирасида консервация қилиниши керак бўлган объектлар, бинолар ва иншоотларни текширувдан ўтказди, бинолар ва иншоотларни консервация қилишга ёки уларнинг қурилишини вақтинча тўхтатишга ҳужжатларни расмийлаштиради, шунингдек объектларни ишларни давом эттириш учун қурилиш-монтаж ташкилотларига беришда уларнинг техник ҳолатини баҳолайди;

давлат назорати органлари ва давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциялари, молиялаштирувчи банклар, шунингдек идоравий инспекциялар ва комиссиялар билан биргаликда текширувлар ўтказди;

давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциясини қурилиш объектларидаги авария ҳолатининг барча ҳолатлари ва аварияларни бартараф этиш ишлари ҳажмлари тўғрисида хабардор қилади.

5-боб. Дирекциянинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Дирекция куйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш, шу жумладан янгидан бошланадиган ва қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича буюртмачи функциясини амалга ошириш;

зарурат бўлганда, ишлар ҳажмлари мавжуд бўлишига кўра, Дирекциянинг белгиланган штатдаги ходимлари сони доирасида объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш даврида Қорақалпоғистон Республикасида, республика вилоятлари ва шаҳарларида филиаллар (юридик шахс ташкил этмасдан) ташкил этиш;

лойиҳаларни амалга ошириш доирасида юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси манфаатларини ифодалаш;

Дирекцияга белгиланган тартибда берилган мол-мулкдан фойдаланиш; объектларни лойиҳалаштириш ва қуриш бўйича ишларни бажаришга (хизматлар кўрсатишга) шартномалар тузиш;

Дирекцияга юкланган вазифалар ижро этилиши билан боғлиқ ишларни бажариш учун мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш.

Дирекция қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Дирекция ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

6-боб. Дирекция хўжалик фаолиятининг асослари

9. Дирекция алоҳида мол-мулкка эгалик қилади, мустақил баланс юрилади.

10. Дирекцияни сақлаб туриш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган харажатлар сметасига мувофиқ, шунингдек халқаро грантлар, техник кўмаклашиш маблағлари, хайрия эҳсонлари, имтиёзли кредитлар, шу жумладан хорижий имтиёзли кредитлардан тушган умумий тушумлар ҳисобига амалга оширилади.

11. Дирекцияга бириктирилган мол-мулк давлат мулки ҳисобланади.

12. Дирекциянинг тузилмаси ва штат жадвали, лавозим маошлари миқдорлари, меҳнатга ҳақ тўлаш ва мукофотлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

7-боб. Дирекция фаолиятини ташкил этиш

13. Дирекцияни бошқариш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор томонидан амалга оширилади.

14. Директор:

ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Дирекция фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда Дирекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан «фойдаланишга тайёр» шартлари билан амалга ошириш учун тегишли ташкилотлар, шу жумладан хорижий ташкилотлар билан шартномалар тузади;

Дирекция номидан иш кўради ҳамда юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

15. Пул ва мулк тарзидаги барча ҳужжатлар директор, бош бухгалтер

ёки директор ёки бош бухгалтер томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган ишончнома берилган шахс томонидан имзоланади.

16. Дирекция бюджет ташкилотлари учун белгиланган тартибда ҳисоб ва ҳисоботни, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ статистика ҳисоботини ва бошқа ҳисоботларни юритади.

17. Дирекциянинг молия-ҳўжалик фаолиятини назорат қилиш, текшириш ёки тафтиш қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли назорат органлари томонидан амалга оширилади.

8-боб. Яқунловчи қоида

18. Дирекцияни қайта ташкил этиш ёки тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.